



***Сен тебраниб ўртангин,
Мен йиқилиб инграйин.
Сен ўтли ун чекарда
Мен қонли ёш тўкайин.***

Абдурауф Фитрат

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ерта саҳарда мўъминлар қаторида ўрнимдан турғизган, кўзимга нур берган, онгимни тиниқлаштирган, қўлга қалам олишга имкон яратган Эгамга ҳамд айтмоқ билан ишга киришгумдир. Ё Тангрим, дилимда бир дард уйғонган, уни диндошларимга-да етказишга ўзинг мадад бергайсен. Эй Оллоҳ, бошимга қилич келганида ҳам Сенинг муборак номингни тилдан қўймаган, Ватан ҳурлиги учун жон берган, аммо Ватан тупроғида ётиш насиб этмаган шаҳидларни ўз раҳматингга ол-ғайсен. Ул муборак зотларни қиёматда бандам дегайсен, Расулиллаҳ шафоатларига ўзинг муяссар қилғайсен, омийн!

Ё Тангрим, ўзингнинг ризолигинг билан, шаҳидлар руҳини шод этмоқ мақсадида шул асарни ёзмоққа жазм этдим. Биз гуноҳкор бандаларингга ўзинг ҳидоят, инсофу товфиқ бер...

МУХТАСАР МУҚАДДИМА

Бу тонг Унет сайёраси ташвишли хабар билан уйғонди. Бир этаги денгизга туташ баланд тоғ сийнасига жойлашган кузатув маскани «1248» рақами билан белгиланган сайёрага етиб борган коинот кемасининг ҳалокатга учрагани ҳақида маълумот тарқатди. Кема нима сабабдан сайёра сатҳига қулагани номаълум эди. Унет олимларига маълум бўлган нарса — фазогирларнинг учтаси ҳалок бўлган. Бирови ҳаёт, аммо унинг-да қисмати қоронғи.

Ўша тонг унетликлар тақвимида 2419 йил, эрта куз ойининг ўн биринчи куни бошланди. Унетликлар «1248» сайёранинг номи «Ер» эканини, кемалари Ер вақти билан 1908 йил июнининг ўттизинчи тонгида ҳалокатга учраганини кейинроқ биладилар. Тирик қолган ягона фазогирнинг тақдири эса уларга узоқ йиллар номаълум бўлиб қолаверади.

ЎТТИЗ ЙИЛДАН СЎНГ...